

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Навоий вилояти Педагогика  
коллежи директори

танлов комиссияси раиси

Д.Хамроевга

« 24 » 05 2022 йил



Навоий вилояти Педагогика коллежи ётоқхона биносини жорий таъмирлаш  
ишлари объекти бўйича

***ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ***

# **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

# **1.ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА**

## **I. Танлов предмети ва қиймати .**

1.1. Танлов предмети Навоий Педагогика коллежи ётоқхона биносини жорий тамирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охирги қиймати 343 491 101 сўм (Уч юз қирқ уч миллион тўрт юз тўқсон бир минг бир юз бир сўм.) Ушбу қийматдан ортиқ маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.

1.3. Бажариладиган

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун

1.5. Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Навоий Педагогика Коллежи (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов “Навоий Педагогика Коллежи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

## **3 ТАНЛОВИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ега бўлган барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50фоиздан кам бўлмаган ҳолдв):

Низом маблағи миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка буноан лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсад етилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар , ҳамда муассислик келишув,

молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

#### **4 ТАНЛОВДВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куралида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухир билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

#### **5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭИИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун шлдин қарор қабул қилишга ҳақли. Таварни ўзгартиришга йул қойилмайди. Бунда ушбу танловдв таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахбарот узгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга узгартиришлар киритиладию

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжадлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахбарот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушутиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади